



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 8 » ИЮНЬ

№ 366

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ташкилотлари фаолияти ва илмий салоҳиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда академик илм-фанни янада ривожлантириш, илм-фан, иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини мустаҳкамлаш, илмий ташкилотларнинг тадқиқотларни ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда бевосита иштирок этаётган илмий ташкилотлар раҳбар ва ёрдамчи ходимларнинг айрим тоифалари меҳнатини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг **2020 йил 1 январдан бошлаб** Фанлар академияси илмий ташкилотларининг:

ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплашни **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** амалга ошириш;

бошқарув ходимлари ва айрим ёрдамчи ходимларнинг иш ҳақи миқдорини уларнинг эгаллаб турган лавозими ва фаолият соҳасидан келиб чиқиб **ўртача 130 фоизга табақалаштирилган миқдорда ошириш** тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти, Физика-техника институти, Материалшунослик институти, О. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Микробиология институти, Умумий ва ноорганик кимё институти,

Санъатшунослик институти, Тарих институти, Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ва Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти тузилмалари тегишлича 1-11-иловаларга мувофиқ;

Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти, Физика-техника институти, Материалшунослик институти, У.А. Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Конструкторлик бюроси ва тажриба ишлаб чиқаришига эга бўлган илмий-техник марказ, О. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти, Умумий ва ноорганик кимё институти, С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ботаника институти, Зоология институти, Геномика ва биоинформатика маркази, Микробиология институти, Иммунология ва инсон геномикаси институти, Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти, Хоразм Маъмун академиясининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган илмий ходимлари сонини 2025 йил 1 январгача босқичма-босқич мақбуллаштириш жадваллари тегишлича 12-29-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларининг бошқарув ва айрим ёрдамчи ходимларининг базавий лавозим маоши миқдорлари 30-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентиға, зарурат бўлганда, илмий ташкилотларнинг тасдиқланган тузилмаларига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

илмий-тадқиқот ишларини бажаришдан тушадиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хўжалик фаолиятидан тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ташкилотларида давлат илмий дастурлари доирасидаги фундаментал